

ЭЛГА МАДАДКОР

Айни пайтда ушбу цехда меҳнат қилаётган ўндан ортик қасаначи хотин-қизлар миллий ва тўй либослари, замонавий элита пардалари тиқишмоқда. Мухими, бу ерда тайёрланаётган тикувчилик маҳсулотлари харидорларга манзур бўлмоқда. Натижада қасаначиларнинг моддий манфаатдорлиги ортиб, рўзгорига кут-барак кирмоқда.

O'ZBEKISTON
RESPUBLIC KASI
MILLIY KITCHI PALATASI

ХУШНУВИЙ МАСПАХАТУС

Вақилга берилган ваколат мазмун ва ҳажм жиҳатидан ишончномалар бош, махсус, бир мартали бўлиши мумкин. Бош ишончнома ишонч билдирувчининг мол-мулкни бошқариш, маълум вақт давомида турли битимлар тузиш ва бошқа юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни бажариш учун берилади.



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ

ички ишлар идоралари ходимлари зиммасидаги юксак вазифа

Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ, инсон шайни, кадр-қиммати, ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилишга қатта эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада қабул қилинган қонунлар, қарорлар, қўрилган чоратadbirlar самараси ўлароқ, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг масъулияти янада ортиди.

O'zbekiston
«ADOLAT»
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

№ 5
(762)
2010 йил,
5 февраль,
жума

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Ижроқўм йиғилиши

МУҲИМ
ДАСТУРИЛАМАЛ

Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси йиғилишида Президент Ислон Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» мавзусидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинди



Йиғилишда Ижроия қўмитаси аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва партия фаоллари иштирок этди. Сиёсий Кенгаш раиси Исмоил Саифназаров олиб борган йиғилишда партия олдида турган қатор долзарб масалалар атрафлича муҳокама қилинди.

Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» мавзусида-

ги маърузасида юртимиздаги мавжуд сиёсий партиялар, хусусан, парламент куйи палатасидаги партиялар фракцияларининг сўнги беш йиллик фаолияти танқидий нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилинди. Депутатлик корпуси томонидан қонун ижодкорлиги, парламент назорати сингари қатор муҳим вазифаларни амалга оширишда сусткашликка йўл қўйилгани руй-рост айтилиб, бундай ҳолатларга барҳам бермасдан туриб, парламент фаолияти самарадорлигига эришиб бўлмаслиги алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда.)

ЯНГИЛИКЛАР,
ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

СУРХОНДАРЁ. Президентимиз яқинда Вазирлар Маҳкамасида 2009 йил яқунлари ва 2010 йилнинг устувор вазифаларига бағишланган мажлисидаги маърузасида «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли фойдаланишига топширилганини алоҳида фохр билан тилга олди.

Бугун мазкур темир йўл вилоятда жуда катта имкониятлар эшигини очмоқда. Жумладан, та имкониятлар эшигини очмоқда. Жумладан, та имкониятлар эшигини очмоқда. Жумладан, та имкониятлар эшигини очмоқда.

БУХОРО. Вобкент туманидаги Паноб номи билан аталувчи аҳоли манзилгоҳи ўрнида ўзига хос гидан қурилатган 20 та замонавий уй-жойлар Бундан ташқари бу ерда 34 та яна ана шунатларда олиб борилмоқда. Шаҳарча ҳудудига юмушлари ҳам бошлаб юборилди. Бунёдкорлиги чекланган жамият жамоаси олиб бормасъулияти чекланган жамият уларга мададкор бўлишяпти.

НАМАНГАН. Туманнинг Хонобод қишлоғига ёндош ҳудудда қоттеж типидagi бугунги кун талаблари асосида бир ва икки қаватли уй-жойлар қурилишининг биринчи босқичи поёнига етди.

«Қишлоққурилиш» инжиниринг компанияси бунёд этган бу уйлар ҳудудда келгусида нияси бунёд этган замонавий шаҳарчага асос бунёд топадиган замонавий шаҳарчага асос бўлади. Шаҳарча қурилишининг иккинчи босқичида яна 28 та шундай уй-жойлар барпо этилади. Улар харидорларга олдиндан 17 фойзиди. Улар харидорларга олдиндан 17 фойзиди. Улар харидорларга олдиндан 17 фойзиди.

СУРХОНДАРЁ. Олтинсой туманидаги «Шакарқамиш» маҳалласида деҳқон бозори қуридон ажратилиб, ҳудуддаги бешта бозорнинг энг барча имкониятлар ишга солинмоқда. Бу ерда савдо расталари, офис, ўнлаб дўкон-рисоладагидек бозор қурилиши учун ҳозирча 300 миллион сўмдан ортик маблағ ажратилди. Янги деҳқон бозори шу йилнинг ўсида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

ХОРАЗМ. Урганча вилоят озиқ-овқат, енгил савдо ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари улгуржи савдо ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги 80 дан зиёд ишлаб чиқариш корхоналарининг 800 дан ортик турдаги маҳсулотлари кенг намойиш этилди. Икки кун давом этган ярмаркада маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва улгуржи савдо корхоналари ўртасида умумий қиймати 17,6 миллилар сўмлик ҳажмда 421 та шартномалар имзоланди.

Бугуннинг гапи

ДЕПУТАТЛИК
МАВСУМИЙ ИШ ЭМАС

у ҳамма вақт аниқ, изчил ҳаракатларни талаб қилиши, давлат ва жамият манфаатларини ўзаро уйғунлаштира олиши билан ҳам муҳим аҳамият касб этади

Дунё ҳамжамияти, халқаро дипломатик корпуслар, нуфузли сиёсий институтлар ва энг муҳими, юртимиз фуқароларининг муносиб эътирофи сазовор бўлган Ўзбекистондаги сайловлар демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг, ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуришнинг жиддий синови, ўзига хос рағбатлантирувчи омил бўлди, десак янглишмаймиз. Бугун халқ ҳокимиятини шакллантиришга, парламентнинг қонунчилик фаолиятини кучайтиришга ҳар томонлама тайёр бўлган депутатлар ўз ваколатларини амалга оширишга киришдилар.

Хўш, сайловлар арафасида кўзгин сиёсий баҳс-мунозараларга сабаб бўлган партияларнинг сайловолди дастурлари бугун амалда ўз ижросини топиши учун ишни нимадан бошлаш керак? Сиёсий партияларнинг давлат бошқаруви идоралари, жамоат ташкилотлари ва депутатлар корпуси билан ўзаро алоқаларини қай тарзда ривожлантириш мумкин?

Мухбиримиз Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Самарқанд минтақавий ахборот-таҳлил марказининг катта илмий ходими, профессор Фарҳод НАБИЕВ билан шу масалалар хусусида суҳбатлашди.

(Давоми 2-бетда.)

Муносабат

РАҚОБАТГА ҲАМ,
ИНҚИРОЗГА ҲАМ
ФАҚАТ КУЧЛИЛАР ДОШ БЕРАДИ
ёхуд ақл-идрок тантанаси

Агар эсласангиз, мамлакатимиз раҳбари бугун дунё бўйлаб «қанот» ёйган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳақида 2008 йилнинг 5 декабрь куни Конституциямизнинг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимда «Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотека кредитлаш тизимида руй берган танглик ҳолатидан бошланди» дея унинг сабаб ва оқибатларини ҳамда вазиятдан чиқиш борасида ўз хулосаларини аниқ-равшан баён этганди.

Шундан сўнг, халқимизнинг «туяни миниб, олисни кўзла» деган мақоли талқинида даъват этилганидек, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози қандай оқибатлар келтириб чиқаришини олдиндан кўраолган давлатимиз кенг кўламли дастур ижросига зудлик билан киришди. Юртбошимизнинг «Жаҳон молиявий-

иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асари асосида Тошкентда Халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз ишлаб чиққан машҳур беш тамойилга асосланган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек модели — чинакам тараққиёт модели эканлиги кенг эътироф этилди. Мамлакатимизда мохиятан иқтисодиёт-си-

ёсатдан устун, давлат — бош ислохотчи, қонун — устувор, кучли ижтимоий сиёсат босқичма-босқич ва изчил эканлигини жаҳоннинг мана-ман деган сиёсатдонлари ҳам тан олди.

Зеро, республикаимизнинг молиявий-иқтисодий, бюджет, банк, кредит тизими муваффақиятли шаклланимоқда. Иқтисодийнинг реал сектори корхоналари ва тармоқлари барқарор, узлуқсиз ишлаши таъминланаётди. Булар учун етарли даражада захиралар яратилиб, зарур ресурслар базаси

вужудга келтирилди. Банкларимизнинг капиталлашув даражаси йил сайин ошиб, уларнинг ликвидлиги — тўлов ва кредит бериш қобилияти изчил ўсмоқда.

Мухтарам Президентимизнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек:

(Давоми 2-бетда.)

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

БАРҲАЁТ МЕРОС



Буюк бобоқалонимиз ҳазрат Алишер Навоийнинг сермахсул ижодий мероси бани башарни ахлоқий тарбиялашда бебаҳо манбадир. Бунга жаҳоннинг кўзга кўринган адиблари, шоирлари ва атоқли олимлари томонидан билдирилган қимматли фикрлар, эътирофлар ҳам яққол тасдиқлайди.

Улуғ шоир нафақат ўлмас асарларида, ҳатто рубоий ва қитъа каби ихчам жанрлардаги асарларида ҳам теран маънавий-ахлоқий фалсафий қарашларни маҳорат билан баён этган. Масалан, ҳаёт ва умрни севиш, ардоқлаш, қадрлаш ҳақида шундай дейди: **Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз, Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз. Хар неники, севмак ондин ортук бўлмас, Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.** Маълумки, Навоий зиддиятли, тоху тахт

учун аёвсиз курашлар кечган замонда яшаган, раъиятнинг аҳволи оғирлигини ўз кўзи билан кўрган. Эл-улус бошига тушган қийинчиликлардан озор чеккан. Лекин у барчани келажақдан умид узмай, эзгу мақсад сари интилишга чорлаган. Ҳаётнинг қадрига етмоқликни тараннум этган.

То хирсу ҳавас кирмани барбод ўлмас, То нафсу ҳаво қасри барфтод ўлмас, То зулму ситам жонига бедод ўлмас, Эл шод ўлмасу, мамлакат обод ўлмас. Мамлакат ободлиги йўлида бир тану бир жон бўлишни алоҳида таъкидларкан, улуғ шоир эл-юрт учун тер тўкиб меҳнат қилишни, ҳар бир қадамини ўйлаб босишни, яхши хулқ ва одобни эгаллашни зарур, деб ҳисоблайди.

(Давоми 4-бетда.)

«ЎЗБЕКИСТОН —
ШҲТ ДОИРАСИДАГИ ФАОЛ ШЕРИК»

Мисрнинг «Асия ал-Вуста» агентлиги электрон нашрида ана шундай сарлавҳали мақола чоп этилди

Унда муаллиф Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)нинг барча аъзо давлатларида изчил ва барқарор иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлаш, аҳоли бандлиги масалаларини ҳал қилиш ва турмуш даражасини юксалтиришга кўмак берадиган ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида мазкур ташки-

лот кузатувчи мамлакатларнинг ресурслари ҳамда бозорларидан янада фаолроқ фойдаланиш ва уларни жалб қилишни ёқлаб чиқётганини таъкидлайди.

Мақолада Ўзбекистоннинг ШХТ доирасида иқтисодий ҳамкорлики янада ривожлантиришдаги фаол иштироки қайд этилади. Сўнгги 5 йилда Ташкилотга аъзо давлатларнинг

ўзаро товар айирбошлашдаги улуши 40 фойздан ошган бир пайтда, бугунги кунда улар билан Ўзбекистоннинг товар айирбошлаш борасидаги солиштирма ҳажми қарийб 44 фойзга тўғри келади.

Нашрда айтилишича, ҳозирги кунда мамлакатда ШХТ давлатлари сармоядорлари иштирокида 1273 та корхона фаолият

кўрсатмоқда, уларнинг 246 таси 100 фойз хориж капиталли асосида ташкил этилган. Ўзбекистон Ташкилотдаги алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги қошида ШХТга аъзо давлатларнинг 214 та фирма ва компанияларининг ваколатхоналари руйхатдан ўтган.

(Давоми 2-бетда.)

МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Шунингдек, Юртбошимиз маърузасида сиёсий партиялар ҳамда янгидан шакллантирилган Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар олдида турган долзарб вазифалар, устувор йўналишлар белгилаб берилгани билан янада аҳамиятлидир.

Шу маънода айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбарининг маърузаси Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг келгуси фаолияти учун низоҳатда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади, — деди партия Сийёсий Кенгаши раиси Исмоил Сафназаров. — Аввало, партия фаолиятини Юртбошимиз маърузасидан келиб чиққан ҳолда, жиддий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки, ўтган беш йил мобайнида мавжуд имкониятлардан тўла фойдалана олдик, деб айта олмаيمиз. Тўғри, партиявий-ташкилий ишларни муайян даражада жонлантиришга эришдик. Шу тўғрисида партия фаолиятида бирмунча олға силжишлар кўзга ташланди. Жумладан, ўтган сайловларда партиямиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 19 та, маҳаллий Кенгашларда 432 та депутатлик ўрнига эга бўлди. Бу 2004 йилдаги сайловлар натижаларига нисбатан икки-уч баробар кўп демакдир. Қолаверса, барча вилоят Кенгашларида депутатлик гуруҳлари тўзилди. Аммо, шунга қарамай, ҳали амалга оширишимиз лозим бўлган ишлар талайгина. Худудий партия Кенгашлари, айниқса бошланғич ташкилотларимиз фаолиятини янада жонлантириш лозим. Шу билан бирга, барча даражадаги депутатлик корпусларини аниқ амалий ишларга сафарбар этиш талаб этилади.

Йиғилишда сўзга чиққанлар Юртбошимиз

маърузасининг мазмун-моҳияти ва хулосаларидан келиб чиқадиغان партия вазифалари тўғрисида фикр алмашди. Муҳокамалар асосида партиянинг келгусида амалга ошириши лозим бўлган устувор вазифалари белгилаб олинди.

Ижроия қўмита йиғилиши кун тартибидеги иккинчи масала — «Адолат» СДПнинг 2010 йилги иш режаси ҳам иштирокчиларнинг қизгин муҳокамаларига сабаб бўлди. Мазкур масала юзасидан партия Сийёсий Кенгаши раиси ўринбосари Сирожиiddин Раупов сўзга чиқди. Унинг таъкидлашича, 2010 йилга мўлжалланган иш режасидан ўрин олган тадбирлар давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда партиянинг сайловолди дастури ва V Курултойи қарорларида белгиланган вазифалардан ташкил топган. Иш режасида партиянинг барча тузилмалари, депутатлик гуруҳларининг давлат жамият қурилишидаги фаоллигини оширишга, шунингдек, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросидаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган.

Йиғилиш қатнашчилари партиянинг 2010 йилдаги иш режасини янада такомиллаштириш бўйича ўз таклифларини билдирдилар.

Ижроия қўмита йиғилишида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг 15 йиллигини муносиб кўтиб олиш ва «Адолат» ижтимоий-сиёсий газетасининг 2010 йилги обниси тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қамол АЛИАЕВОВ,

«Адолат» мухбири.

Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

РАҚОБАТГА ҲАМ, ИНҚИРОЗГА ҲАМ ФАҚАТ КУЧЛИЛАР ДОШ БЕРАДИ

ёхуд ақл-идрок тантанаси

(Давоми.

Бошланиши 1-бетда.)

«Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, савдо, ички манбаларни аффарбар этиш ҳисобидан иқтисодийнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди.»

Дарвоқе, 2009 йилда мамлакатимизда инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доира-да 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. 22 та (нефть-газ, кимё, металлургия, машинасоз-лик саноатлари ва қури-лиш индустриясида) йирик ишлаб чиқариш объектлари ҳаракатга келди. Улар орасида «Дарго-наазот» ва «Максам-Чир-

чик» корхоналарининг ам-мик агрегатлари, Наманган энгил автомобиллар фараси ва чироқлари заводи, Бухоро «ДЭУ текстиль» тўқимачилик мажмуаси, «Газли» қўшмича компрес-сор станцияси, Қўнғирот компрессор станцияси, Туркменистондан Ўзбекистон худуди орқали Хитойга ўтадиган газ қувури қури-лиши сингари иқтисодий-тимиз равнақиға хизмат қилувчи юзлаб муҳим объектлар борки, ҳаммаси — инқирозга қарши чора-лар дастурининг амалга оширилишида устувор аҳамият касб этди.

«Янги Ангрэн-Ўзбекистон» ЛЭП-500 электр узатиш линиясини оласизми, Қамчиқ давонидан ўтгучи «Охангарон» — Пунгон магистрал газ қувури ёки «Фузур-Сурхон» юқори вольтли электр тармоқларини оласизми, барчаси — стратегик инвестиция лойиҳаларини ҳаётга изчил татбиқ этиш тўғрисида мамлакатимизда ягона электр ва газ тармоғи тизимлари яратилишига самарали хизмат қила бошлади. «Тошгузар» — Бойсун — Қумқўрғон» янги темир йўл

линиясида Япония капита-ли иштирокида фойдала-нишга топширилган кўприк-лар, «Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус» темир йўли разъездлари, Навоийда барпо этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зона, Ангрэн ва Фарғона водийси оралиғида ву-жудга келган халқаро маги-страл маркази, «Тошкент — Бухоро» магистрал алоқа линияси... эҳ-ҳе, уларнинг қай бирини айтиб улгура-сиз... «Анджон — Ўш», «Қўнғирот — Бейнов», «Де-нов — Турсунзода», «Термиз — Ҳайратон» йўналишлари-даги халқаро алоқа тармоқ-ларини айтмайсизми!

Санаб ўтилган бу объектларнинг самараси ҳақида гап кетгудек бўлса, шубҳасиз, яратилган мин-глар — ўн минглаб янги иш ўринлари аҳоли турмуш даражасининг сезиларли даражада юксалганини да-лиловчи қўрсаткичлар би-лан яқун топади. Масалан, ўтган йилнинг ўзида 940 мингдан зиёд янги, муҳим иш ўринлари яратилди. Бу-нинг 500 мингга кишлоқ жойларида вужудга келди. Биргина кичик бизнес

соҳасида 390 минг (бунинг 270 минг хизмат кўрсатиш тармоқларида), касаначи-ликда 130 минг иш жойла-ри ташкил топди. Пировар-дида, аҳолининг реал да-ромадлари йил давомида 26,5 фоизга кўпайди. Иш ҳақи, пенсия ва нафақалар ўртача 40 фоизга ўсди...

Бу ютуқлар ҳақида яна ва яна, кўп ва кўп гапираве-риш мумкин. Ҳолбуки, яқин-яқингача баъзи либерал иқтисодчи экспертлар Ўзбекистоннинг саноатни ривожланишини давлат то-монидан қўллаб-қувватлаш-га қаратилган сиёсатини танқид қилишарди. Бирок, бугунги чуқур иқтисодий инқироз даврида, яъни 1929-1939 йилларидаги ул-кан депрессиядан сўнг би-ринчи марта юз берган ин-қироз шароитида улар ҳам саноат ривожини давлат томонидан қўллаб-қувват-лаш — ҳаёт талаби эканли-гига иқдор бўлмоқдалар. Зотан, шахсан Президенти-миз раҳнамолиғида олиб борилган бу сиёсат 1997 йилги Осиё инқирози да-врида ҳам, ҳозирги жаҳон инқирози шароитида ҳам мамлакатимиз иқтисодиёти

барқарорлигини тўла намо-ён этди.

Ёки кучлилар енгади, де-ган Дарвин тамойилини оли-нг. Бозор ҳам шу. Унинг рақобатиға ҳам, инқирози-ға ҳам фақат кучлиларги-на, яъни, ўз миллий иқти-содиётини оқилона ислоҳ қилган, мамлакатни модер-низациялаш жараёнини пухта ўйлаган ва пухта таш-кил этган ҳамда изчил сиё-сат олиб бораётган давлат-ларгина дош беради.

Яна бир асл гап: бунда кучнинг ўзигина кифоя эмас, ақл-идрок ҳам керак! Ҳаётда ақл-идроккина тан-тана қилади.

Муҳтасар айтганда, та-раққийтимизнинг ўзбек мо-дели ижроси ва Инқирозга қарши чоралар дастури — Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ис-тиқболини яратибгина қо-лай, миллий иқтисодиёти-мизни оқилона ислоҳ қилишнинг ақл-идрок би-лан ишлаб чиқилган пухта, пишиқ стратегик йўллари-ни ҳам кўрсатиб берди.

Собир ТУРСУНОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ДЕПУТАТЛИК МАВСУМИЙ ИШ ЭМАС

у ҳамма вақт аниқ, изчил ҳаракатларни талаб қилиши, давлат ва жамият манфаатларини ўзаро уйғунлаштира олиши билан ҳам муҳим аҳамият касб этади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

— Сайловлар нати-жаси, унда ғолиб чиқ-қан номзодлар, сиёсий кучлар нисбати ҳақи-даги маълумотлардан бугун ҳамма бохабар. Айтинг-чи, бу галги сайловларнинг энг кат-та ютуғи нимада? Бу борада, балки фуқаро-ларнинг онгидеги ўзга-ришлар, демократик тушунчалар ҳақида фикр юритганимиз маъқулдир...

— Аввало шунга таъкид-лаш лозимки, биз эволю-цион тараққиёт йўлини тан-лаганимиз. Чунки ҳар қандай инқилобий ўзгаришлар эҳ-ҳе, инқилобнинг келтириб чи-қаради. Сиёсий ҳаётимиз-даги эволюцион ривожла-ниш эса аста-секинлик би-лан амалга ошиб, қутилган натижаларни бериши шуб-ҳасиз. Бу, аввало, одамлар онгидеги, дунёқарашидаги ўзгаришлар билан чамбар-час боғлиқ. Чунки **демок-ратия биринчи галда фу-қаролар онгидеги, шури-да шаклланиши лозим. Бу фақат эволюцион йўл билан амалга оширилади.**

Яқунланган сайловлар халқимиз учун муҳим синов бўлди. Бу жараён фуқаро-ларимизнинг сиёсий фаол-лиги аввалги сайловларга қараганда анча ошганлиги-ни намоён этди. Бунга сай-лов қончилиғига қиритил-ган қатор ўзгаришлар ва қўшимчалар асосий омил бўлиб хизмат қилди. Бир сўз билан айтганда, сайлов-лар халқимизнинг хоҳиш-иродасига, руҳиятига мос тарзда ва демократик ан-дозаларга тўла жавоб бе-радиган даражада ўтди.

Бугун асосий гап кимни депутат этиб сайлаганимиз-да эмас, балки унинг ўз ва-колатини қай тарзда амал-га ошира олишига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Аслини ол-ганда, демократия ҳокими-ятнинг халқ томонидан шакл-лантирилишини ва фуқа-ролар томонидан назорат қилинишини аниқлатади. **Де-путатларнинг назорат функцияси қулайлиши учун уларнинг ўзлари на-зорат остида бўлишлари керак. Бундай назоратни эса депутатга овоз бер-**

ган электорат амалга оширади. Демак, сайлов-ларнинг энг катта ютуғи — фуқароларимизга тан-лаш имконияти билан биргаликда назорат қи-лиш ҳуқуқини ҳам яратиб берганлигидир.

— Бугун сиёсий партиялар ҳамда улар-нинг парламент ва Халқ депутатлари ма-ҳаллий Кенгашларида-ги вакилларнинг асо-сий вазифалари нима-лардан иборат бўлиши керак?

— Муҳтарам Юртбоши-миз Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлиси ва Се-натининг қўшма мажлиси-даги маърузасида парла-мент ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сўнгги 5 йиллик фаолияти-ни танқидий баҳолаш ба-робарида, уларнинг галда-ги вазифалари тўғрисида ҳам батафсил сўз юритди-лар. Жумладан, давлатимиз раҳбари депутатларнинг қабул қилинаётган қонунлар ижроси билан боғлиқ вази-фаси ҳақида тўхталар экан, **«Парламентимиз ва ма-ҳаллий вакиллик орган-лари — Кенгашлар олди-да турган иккинчи ғоят муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойлар-да қандай бажарилаётга-ни устидан қатъий пар-ламент назоратини, де-путатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир»,** деб таъкидлаб ўтдилар.

Дарҳақиқат, сиёсий партиялар ҳамда уларнинг парламент ва Халқ депутат-лари маҳаллий Кенгашла-ридаги ваколатли вакила-рининг асосий вазифалари-дан бири — назорат функ-циясини амалга ошириш-дир. Бинобарин, ваколат-ли вакилларнинг ижро ҳокимияти орқали ёки бе-восита депутатлик назора-тига таяниб ҳал этишлари лозим бўлган муаммолар талайгина. Булар — аҳоли-ни иш ўринлари билан таъ-минлаш, жамоат транспор-ти хизматини такомиллаш-тириш, коммунал соҳалар-да шартномавий муноса-батларни тўла қарор топти-риш, шаҳар ва кишлоқлар инфратузилмасини ривож-лантириш ва ҳақозо. Депу-

татлик мавсумий иш эмас. У ҳамма вақт аниқ, изчил ҳаракатларни талаб қи-лиши, давлат, жамият ва фу-қаролар манфаатларини ўзаро уйғунлаштира олиши билан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

«Давлат бошқарувини ян-гилаш ва янада демократ-лаштириш ҳамда мамлакат-ни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ро-лини қулайтириш тўғриси-да»ги Конституциявий Қонун бу борада сиёсий партияларнинг ваколатла-рини янада кенгайтирганли-ги сир эмас. Демак, бундан келиб чиқадиغان хулоса шуки, **сиёсий партиялар ўз сайловолди дастурла-рини амалга ошириш учун қулай фурсат этиб келишини қулайлиги шарт эмас.** Чунки жамия-тимиздаги янгилашни жараёнида сиёсий партия-лардан, уларнинг ижро ҳокимиятидаги вакиллари-дан ҳозиржавоблиқни, иш-чанлигини талаб қилмоқда.

— Сиёсий партиялар маълум маънода сай-ловчиларнинг ишончи-ни қозонишга муваф-фақ бўлди. Ҳўш, энди тарғибот-ташвиқотлар-ни амалий ишлар би-лан уйғунлаштириш-нинг қандай реал им-кониятлари мавжуд? **Хусусан, Ўзбекистон «Адолат» социал-де-мократик партиясининг сайловолди дастурида бир қанча муҳим ҳаётий ғоялар, иқтисодий ис-лохотларга наф келти-риши мумкин бўлган режалар илгари сурил-ган эди. Жумладан, электр энергияси иш-лаб чиқаришнинг муко-бил лойиҳаларини ярат-тиш ва уларни амали-ётга татбиқ этиш йўллари кўрсатилган-ди. Бугун биз воқиф-мизки, партиянинг сай-ловолди дастури фуқа-ролар томонидан лозим даражада ўрганиб чи-қилган ва маъқуллан-ган. Шу асосда бир қанча муҳим ташаббус-лар юзгага келмоқда. Жумладан, Самарқанд-даги «Декор-пласт» қўшма корхонасида кўш батареяларини ишлаб чиқиш ва улар-ни иссиқхоналарга, спорт залларига ўрна-**

тиш ишлари бошлаб юборилди. Энди бу та-шаббусни ривожланти-риш, янада кенг қўла-да амалга ошириш учун нима қилиш керак, деб ўйлайсиз.

— Фикримча, ҳар қандай ғоя, ташаббус давлат идо-ралари, фуқаролар томони-дан қўллаб-қувватланса, у ислохотлар жараёнида кўпроқ фойда келтириши мумкин. Шу жиҳатдан олиб қараганда, биз яратилаёт-ган ёки жорий этилаётган ҳар бита янгилик расмий-чиликка, сунъий тўқсинлик-ларга урамаслиги учун жа-моатчилик назоратини су-сайтирмаслигини лозим. Чунки юртимизнинг ҳар бир фуқароси ислохотлар жа-раёнига қўшаётган ҳиссаси умум эътироф этилиши ва қўллаб-қувватланишини ҳар доим ҳис этиб туриши ке-рак.

Дарвоқе, шу ўринда яна бир гап. **Кузатишларимизга кўра, ҳозирги пайтда жойлардаги аксарият бошланғич партия ташки-лотлари фаолияти талаб даражасида эмас. Айрим БПТлар номигагина «фао-лият» юритапти, тўғри-роғи, улар қозғоғда мав-жуд. Бу мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тўртта сиёсий партияга дахлдор масала. Сиёсий партиялар етакчилари маз-кур масала ечимига жиддий эътибор қаратишлари талаб этилади. Негаки, ташаббус қуйи бўғиндан чиқсагина, сиёсий ҳаётдаги ислохотлар қутилган самарани бериши мумкин.**

— Ўзбекистон «Адо-лат» СДП сайловолди дастурининг афзал-ликларини нимаалардан иборат деб ўйлайсиз?

— Бу саволга жавоб бе-ришдан олдин, жамият та-раққийотининг энг муҳим омиллари нимаалардан ибо-рат эканлигини англаб эти-шимиз лозим. Ривожланиш-нинг муҳим шарт, бу — ав-вало жамиятда зарур тар-тиб-қоидалар ўрнатилиши билан боғлиқдир. **Қайси жамиятда ҳуқуқий мезон-ларга амал қилинаётган бўлса, ўша жамиятда тинчлик, тотувлик, бар-қарорлик ва тараққиёт бўлади. Бунга эришиш учун эса жамиятда қонун устуворлигини ва жазо-нинг муқаррарлигини**

амалда таъминлаш ло-зим. Оддий қилиб ай-ганда, жамиятда адолат қарор топиши керак. Чунки биз қонунийлик деганда, даставвал адо-латни тушунамиз.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг асосий мақсади ҳам жамиятда қонун устуворлигини таъминлашдан иборат бўлганлиги учун ҳам унинг сайловолди дасту-ри ўзига хос амалий аҳамиятга эга. Бир вақт-лар инсоният цивилизаци-ясининг бешиги ҳисоблан-ган Римда доғишмандлар битта саволга, яъни, қан-дай йўл билан жамиятда тартиб ўрнатиб бўлади, деган саволга жавоб из-лашган. Бунинг учун эса жамиятда тартиб ўрна-тишнинг иккита ижтимоий регуляторини ўйлаб чиқил-ган. Булар — ҳуқуқ ва ахлоқ. Ана шу ҳуқуқ ва ахлоққа риоя қилинса, жа-миятда тартиб ўрнатила-ди. Аслида, бахтли, фа-ровон, эркин яшашнинг шарт, қаролати ҳам ана шунда.

— Сиёсий партия-лар фаолиятида бугун баҳс-мунозараларга, тортишувларга зарур-рат борми? Башарти, бор бўлса, бу муноза-раларни қай йўсинда олиб борган маъқул?

— Партиялар ўртасида нафақат бугун, балки ҳар доим баҳс-мунозаралар, тортишувлар бўлиши ло-зим. Чунки бу ўзаро соғ-лом рақобат, курашнинг бир қўринишидир. Қола-верса, сиёсий партиялар ўртасида бўлиб ўтадиган баҳс-мунозаралар орқали уларнинг илгари сураётган мақсад ва масалалари, дастурий ғоялари билан янада яқинроқ танишиш имконияти яратилади. Энг асосийси, баҳслар, муно-заралар, тортишувлар на-тижасида қайси сиёсий партиянинг дастури ҳаё-тийлиги тўғрисидаги ҳақиқат юзгага чиқади.

Яна шунга таъкидлаш ло-зим: сиёсий партиялар фаолиятининг қулайлиши фуқароларнинг мамлакат сиёсий ҳаётида иштирок этиш эҳтиёжларининг ор-тиши билан боғлиқ. Чунки партиялар одамларнинг сиёсий ҳаётда иштирок этиш эҳтиёжларини қонди-ришга хизмат қиладиган фуқаролик жамиятининг муҳим институти ҳисобла-нади. Шунинг учун ҳам бугун мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар аҳолининг сиёсий мадани-ятини оширишга янада жиддий эътибор қаратмоқ-далар. Бу кучли фуқаро-лик жамиятига ўтиш кон-цепциясига тўла мос ке-лади.

Сўхбатлов: Зоҳир ТУРАҚУЛОВ, «Адолат» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН — ШҲТ ДОИРАСИДАГИ ФАОЛ ШЕРИК»

(Давоми.

Бошланиши 1-бетда.)

Айни пайтда ШҲТга аъзо давлатлар худудий Ўзбекистон резидентла-ри иштирокида 519 та корхона ташкил этилган. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил июнь ойидан бошлаб Шанхай ҳамкорлик ташки-лотига расмий қилаётган алоҳида фаолиятини да-лаватлар билан ҳамкорлик дастурини бажариш асосий йўналиши савдо-иқтисодий ва инвестиция-

лар соҳасидаги ҳамкорлик-ни, шунингдек, ШҲТ минта-қаси транспорт ва комму-никация салоҳиятини рав-нақ топтириш саналади. Ушбу соҳаларда коопераци-яни ривожлантириш чора-лари ШҲТнинг Кўптомонла-ма савдо-иқтисодий ҳам-корлик дастурини бажариш бўйича тадбирлар режаси-да ўз аксини топган.

ШҲТга аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарлари Кенга-ши томонидан 2008 йил 30 октябрда тасдиқланган маз-кур ҳужжат 85 та лойиҳа ва

тадбирни ўз ичига олган. Жумладан, Тадбирлар ре-жасида савдо ва сармоя-лар, молия ва солиқлар, та-биий бойликлардан фойда-ланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, боғхона ишлари, транспорт, илм-фан ва янги технологиялар, агросаноат мажмуаси, ах-борот ва телекоммуникация технологиялари каби асосий йўналишлар бўйича лойиҳа-ларни амалга ошириш ре-жалаштирилган.

«Жаҳон» АА, Қоҳира

ЭЛГА МАДАДКОР

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ана шу эътибор самараси ўларок, минглаб юрдошларимиз тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг янгидан-янги турларини амалиётга кенг жорий этмоқдалар. Бу, ўз навбатида, янги иш ўринлари яратилишига, фуқаролар даромадлари ошиши ва аҳоли фаровонлигининг юксалишига бемисл қатнашмоқда.



Сирдарёлик Абдурахмон ака иш кўзи-ни биладиган малакали иқтисодчи. У тадбиркорлик ишини моҳирлик билан ташкил эта олади, бошқаришни била-ди. Ўзидеги ана шу иқтидорга, қола-верса, кўп йиллик иш таҳрибасига та-янган ҳолда, аввалгига Бахт шаҳрида чойхона очди. Аҳолига, айниқса қария-ларга беминнат хизмат кўрсатиб, улар-нинг дуосини олди.

Хайрли юмш эзгу ишларга, янги та-шаббусларга қанот бўларкан. Иши юри-шиб кетганидан беҳад қувонган Абду-рахмон Абдуқодиров ҳам хайрли ишга кўл урди. Бахт шаҳридаги қаровсиз худудни обод қўшага айлантиришга, бу ерда турли хил савдо дўконлари ва расталарини қуришга бел боғлади. За-рур ҳужжатларни расмийлаштириб бўлгач, зўр қатъият билан ишга кириш-ди. Тез орада қаровсиз жойда кўркам ва обод қўша бунёд этилиб, 12 та сав-

до растаси иш бошлади. Сув тармоқла-ри тортилиб, ён-атроф қўқаламзорлаш-тирилди: ўнлаб мевали ва манзарали да-рахтлар экилди.

Ҳозирги кунда тадбиркор саъй-ҳара-катлари билан бунёд этилган савдо маж-муасида ўттиз нафарга яқин киши муҳим иш билан машғул. Дарвоқе, Абдурахмон Абдуқодиров ўтган йили бу ерда янги цех очиб, шаҳардаги касаначиларнинг боши-ни қовуштиришга муваффақ бўлди. Айни пайтда ушбу цехда меҳнат қилаётган ўндан ортиқ касаначи хотин-қизлар миллий ва тўй либослари, замонавий элита пардалари тикшимоқда. Мухими, бу ерда тайёрланаётган тикувчилик махсулотла-ри харидорларга манзур бўлмоқда. Нати-жада касаначиларнинг моддий манфаат-дорлиги ортиб, рўзгорига кут-барака кир-моқда.

Эминжон ЙЎЛДОШЕВ, «Адолат» мухбири.

ҚОНУНИЙЛИК ВА ОШҚОРАЛИК

фаолият тақомилига хизмат қилади

Мамлакатимиз мустақиллик йилларида жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган, республикамизда демократик ўзгаришлар туфайли халқро ҳуқуқ нормалари ҳамда таъминлари асосида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ташкил этилишига замин яратилди.

Конституциямизнинг 56-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади.

Шунингдек, асосий Қонуни-мизда давлат ва жамоат бирлаш-маларининг ўзаро муносабатла-ри ҳам белгиланган. Хусусан, Конституциянинг 58-моддасига мувофиқ давлат жамоат бирлаш-маларининг ҳуқуқлари ва қону-ний манфаатларига рияз этили-шини таъминлайди, уларга ижти-моий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат органлари ва мансаб-дор шахсларнинг нодавлат ноти-жорат ташкилотлари фаолиятига аралаштишига, айти кезд, нодав-лат нотижорат ташкилотлари ҳам давлат органлари ва мансабдор

шахслар фаолиятига аралаштиши-га йўл қўйилмайди.

Давлатимиз раҳбари «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган ғояни ўрта-га ташлаб, инсоннинг жамиятда тутган ўрни, унинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи ҳамда фуқаро-лик жамиятини шакллантиришда-ги вазифалари тўғрисида шундай деган эди, — «Шундай давлат ва ижтимоий тузилма яратиш керак-ки, унда кучли марказий ҳокими-ят ўз саяё-ҳаракатларини мудо-фаа, давлат ҳавфсизлиги ва фу-қароларнинг ҳавфсизлиги, тар-тиб-интизоми, ташки сиёсат, ва-люта-молия, солиқ тизимини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш ва жамиятнинг бошқа стратегик вазифаларини амалга ошириш сингари асосий умум-миллий вазифаларига қаратмоғи зарур. Бошқа масалаларни ҳал этиш эса аста-секин марказдан жойларга, давлат ҳокими-яти органларидан жамоат бирлашма-лари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказили-ши лозим».

Хусусан, нодавлат нотижорат

ташкilotларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Кон-ституцияси, «Ўзбекистон Респу-бликасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Жамоат фон-длари тўғрисида»ги, «Сиёсий партия-лар тўғрисида»ги, «Сиёсий партия-ларни молиялаштириш тўғриси-да»ги қонунлар ва бошқа шў со-ҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартиб-га солинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда фаолият кўрсатадиган халқро, республика ва вилоят-лараро нодавлат нотижорат таш-килотлар, оммавий жамоатчилик ҳаракатлари ва касба уюшма-ларини давлат рўйхатида олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Бундан ташқари, республика ва вилоятлараро нодавлат нотижорат ташкилотлар таркибий бўлиналариининг, шунингдек, фаолияти вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ҳудудда ёхуд икки ва ундан ортиқ туманлар ва шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ ҳудудига тарқаладиган нодавлат нотижорат ташкилот-лар тегишли ҳудудий адлия бош-қармалари томонидан рўйхатга олинади. Айти кезд, ўз устави-га эга бўлмаган таркибий бўлин-малар тегишли ҳудудий адлия бошқармаларида ҳисобга олиш

рўйхатидан ўтадилар.

Шунингдек, қонунчиликда но-давлат нотижорат ташкилотлари-ни ташкил этишининг ўзига хос хусусиятлари кўрсатилган. Хусу-сан, жамоат бирлашмаси ками-да ўн нафар фуқароларнинг та-шаббуси билан тузилади. Бун-дан ташқари, сиёсий партиялар учун камида саккиз ҳудудий субъектда (вилоятда), жумладан, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳ-рида яшовчи камида йигирма минг партия аъзосининг рўйха-ти, касба уюшмалари учун ка-мида уч минг фуқаронинг рўйха-ти иловаси тақдим этилиши ке-рак.

Нодавлат нотижорат ташкило-ти давлат рўйхатидан ўтгандан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади. Бу ўз навбатида улар-га фуқаролик ҳуқуқий муносаба-ларда мустақил субъект сифати-да иштирок этиш ҳуқуқини бе-ради. Яъни нодавлат нотижорат ташкилотлар ўзининг номига, алоҳида мол-мулкка эга бўлиб, мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб беради, шунингдек, судда даъвогар ва жа-вобгар бўлади.

«Нодавлат нотижорат ташки-лотлари фаолиятларининг кафо-латлари тўғрисида»ги қонунда нодавлат нотижорат ташкилотлар-нинг фаолият эркинлиги, ах-боротдан фойдаланиш ва мулк ҳуқуқи кафолатланган. Жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотла-ри қонун ҳужжатлари билан

тақикланмаган ҳар қандай фао-лият турини ўз уставларида бел-гиланган мақсадлари доирасида амалга ошириши мумкинлиги, давлат нодавлат нотижорат таш-килотларининг қонун ҳужжатла-рига мувофиқ ахборотни излаш, олиш, татқиқ этиш, тарқатиш, ун-дан фойдаланиш ва уни сақлаш-га бўлган ҳуқуқини таъминлаши, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг мулки дахл-сизлиги ва у қонун билан муҳо-фаза қилиниши белгилаб қўйил-ган.

Хулоса қилиб айтганда, рес-публикамизда амалга оширила-ётган кенг қўламли демократик ислохотлар ҳамда инсон ҳуқуқла-ри ҳимоясини кучайтиришга қарат-илган изчил сиёсат фуқаролик жамиятининг ажралмас қисми бўлган нодавлат нотижорат таш-килотларнинг ўрни ва аҳамияти-ни тобора оширмоқда. Ўз навба-тида, нодавлат нотижорат таш-килотлар фуқаролик жамияти би-лан ҳуқуқий давлатни ўзаро му-стаҳкам боғловчи энг асосий де-мократик институтлардан бири бўлганлиги сабабли улар фуқаро-лик жамиятини қуришда ўз фа-олиятини қонунчилик ва ошқора-лик таъминлари асосида юрит-са, бу ўз навбатида улар фаоли-ятининг тараққиёт гарови бўла-ди.

Ахмед АЛЕВЕТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги Жамоат бирлашмалари
ва диний ташкилотлар
бошқармасининг бўлим бошлиғи.

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ҲАМДА АМАЛИЁТ

Сайлов ҳуқуқи энг муҳим сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, у фуқаролар-га нофақат вакиллик органларини таш-кил этиш, балки бундай органларга ўз вакилларини юбориш имкониятини ҳам беради. Фуқаролар томонидан ўз сай-лов ҳуқуқларининг ҳеч қандай тўсиқсиз амалга оширилиши уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокининг энг муҳим шаклларида бири ҳисобланади.

Дунё мамлакатлари сайлов қонунчилиги ва сайлов кампаниялари тажрибасидан маълумки, умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бе-риш сайлов ҳуқуқининг асосий таъминлари са-налади. Бироқ, умум қа-бул қилинган ушбу та-майиллар асосида сайлов ҳуқуқларини амалга оши-ришда турли давлатлар қонунчилигида турли чек-ловлар ҳам назарда тути-лиши мумкин. Бундай чек-ловлар конституциявий ҳуқуқда сайлов цензлари деб юритилади. Сайлов цензлари ичда энг кўп учрайдигани ёш ва фуқа-роликка тегишли бўлса, баъзи давлатларда мулк-кий ҳолати, жинси, irqи, тилига қараб белгилана-диган чекловлар ҳам уч-раб туради.

Ёш чегараси турли мам-лакатларда турлича бел-гиланади. Бразилия ва Эронда фуқаролар 16 ёшдан, Индонезияда 17 ёшдан сайлаш ҳуқуқига эга бўлса, айрим мамлакат-ларда сайлаш ҳуқуқини олишга бўлган чегара ёш анча юқори. Масалан, Ма-лайзия, Марокко, Боливия-да фуқаролар 21 ёшга тўлгандан кейингина сай-лаш ҳуқуқига эга бўлади. Шунингдек, турли дав-

латларда турли давлат органларига сайланиш учун белгиланган ёш че-гараси турлича бўлиши мумкин. Масалан, Фран-цияда Миллий Мажлис депутатлигига ва Европа Парламентида номзоди бўлишган шахс 23 ёшга, Сенатга сайланиш учун эса 35 ёшга тўлган бўли-ши шарт. Бундан ташқа-ри, барча номзодларнинг ҳарбий хизматни тўлиқ ўтаган бўлиши ҳам талаб қилинади. Сайланиш ҳу-қуқига эга бўлиш учун яна бошқа шартлар ҳам қўйи-лиши мумкин. Масалан, Европарламентга номзоди қўйилган француз фуқа-роси 1500 евро гаров сум-маси тўлаши лозим.

Фуқаролик цензи акса-рият давлатларда одатий шартга айланган бўлса-да, баъзи ҳолларда унинг йўқолиб кетишини ҳам ку-затиш мумкин. Масалан, ўзига хос тузилма бўлган Европа Иттифоқи Парла-ментида сайловлар пайти-да Францияда бўлган Гер-мания фуқароси Франция номзодининг вакили учун овоз бериш ҳуқуқига эга. Бу қоида Европа Иттифо-қида асос солган 1992 йил-ги Маастрихт Шартнома-сида кўзда тутилган.

Конституциявий ҳуқуқда абсентеизм деб аталади-

ган ҳолат ҳам мавжудки, бу сайловларда ва рефе-рендумда ихтиёрий қат-нашмаслиқни билдира-ди. Чунки бундай сайлов-чиларни ким депутат, ким давлат бошлиғи бўлиши, қўйилган маса-ланинг қандай ҳал қили-ниши қизиқтирмайди. Бунинг олдини олиш мақсадида қўлгина дав-латларда сайловда иш-тирок этиш, тўғрироғи, овоз бериш ҳуқуқи маж-бурий таомилга айлан-ган. Коста-Рикада сай-ловларда иштирок этиш «мажбурий ва биринчи-галдаги фуқаровий вази-фа» деб қаралади. Айнан шу мажбуриятнинг бузи-лиши, қоида тарқасида, сайловчи шахсий эркин-лигининг чекланишига олиб келмайди. Бироқ айрим мамлакатларда муайян жазолар қўллани-ши ҳам назарда тутил-ди. Чунки, Бельгияда сайловда иштирок эта олмайдиган сайловчи те-гишли сабаб ва далил-ларни барвақт судга тақ-дим этиб, уни хабардор қилиб қўйиши керак. Агар сайловчи шундай қилмаса ёхуд суд келти-рилган важларни эъти-борга лойиқ эмас, деб топса, сайловчи маълум миқдорда жаримага тор-тилади.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистонда фуқаро-ларнинг сайлов ҳуқуқла-рини кафолатлаш бора-сида барча демократик таъминларнинг тўла амал қилиши, фуқаро-ларнинг эркин сайланиш ёки сайлаш ҳуқуқлари қонуний асосда кафолат-ланган.

И.ХАМРОЕВ,
ЎЗМУ ўқитувчиси.

Ишончнома — вакил би-лан учинчи шахс ўртасида ишонч билдирувчи номи-дан қилинадиган ҳаракат-лар натижасида муайян ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш учун зарур восита ҳисоблана-ди. Ишончнома вакилнинг ишонч билдирувчи номи-дан бошқа шахслар билан битим тузиш учун бирон-бир шартнома бўйича, ма-салан, топшириқ шартно-маси бўйича олинганда ёки хизмат (меҳнат) вази-фаларини бажариш юза-

Солиқ — иқтисодиёт таянчи МАСЪУЛИЯТ БОР ЖОЙДА қонун бузилиши ҳоллари бўлмайди

Бугун мамлакатимизда тадбиркор-лик ва ишбилармонлик фаолияти билан шуғулла-наётган ҳўжалик юритув-чи субъектлар фаолияти-ни янада ривожланти-ришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, назорат қилувчи орган-ларнинг улардан ортиқча ҳўжат таалаб қилиши, фаолиятига асоссиз ара-лаштишига йўл қўйилмас-лиги қонун ҳўжатларида қатъий белгилаб қўйилди. Бироқ, гўруч қўрмак-сиз бўлмагани каби айримлар бунини унутиб қўймоқда. Оқибатда солиқ қонунчи-лигига зид равишда фа-олият юритиб, тегишли тартиб-қоидаларни бу-зишмоқда. Қилган ишла-ри учун, албатта, бир кунини пушаймон бўлиш-ларини ўйлашмапти. Инс-пекциямиз ҳодимлари бундай нохуш ҳолатларга чек қўйиш учун қатъий ку-раш олиб бормоқда.

Жумладан, ўтказилган текширувларнинг 32 таси-да назорат-касса машина-сини ишлатмаслик, битта-сида нақд пул тушумини банкка топширмаслик, 33 тасида ҳеч қандай ҳўж-жасиз савдо фаолияти-ни амалга ошириш, 6 та-сида яширин ҳолда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулла-ниш ҳолатлари аниқлан-ди.

Шу ўринда мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, туманда жойлаш-ган «Қорахитойматлубот-инвест» МЧЖ фаолияти ўрганилганда, жамиятга қарашли савдо дўкони со-тувчиси Ш.Тошевва хари-дорларга назорат-касса машинаси чекини бермас-дан савдо фаолиятини амалга ошираётгани маълум бўлди. Бундан ташқа-ри, дўконда ўрнатилган на-зорат-касса машинасини туман давлат солиқ инс-пекциясидан рўйхатдан

ўтказмасдан ишлатаётган экан. Бу ҳам етмагандек, 109 минг 100 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари кириш ҳўжатларисиз савдога чи-қарилган. Унинг барчаси далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

«Мустанг қурилиш» МЧЖга қарашли гишт иш-лаб чиқариш заводи кас-сир-оператори А.Якубов-нинг қинғир иши эса ҳам-масидан ошиб тушди. У аҳолига қорхона ишлаб чиқарган гиштини сотиш билан шуғуллиниб, назо-рат-касса машинасидан фойдаланмасдан савдо фаолиятини амалга оши-раётганида «қўлга тушди». Маълум бўлишича, у 38 минг 500 сўмлик маҳсу-лотни сотиб, назорат-кас-са машинаси чекини бер-маган.

Қонунни четлаб ўтаман деганлар қаттиқ адашади.

Ў.ЖУРАЕВ,
Оҳангарон тумани
ДСИ бошлиғи.

ТАРФИБОТ САМАРАСИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 декабрдаги «Алкоголли маҳсу-лотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни жорий этиш тўғриси-да»ги қарори соҳада чакана савдо фао-лиятини тартибга солишда муҳим рол ўйнамоқда.

Мазкур қарорда алкогольли маҳсулот-ларни қонун ҳўжатларида белгиланган-идек, савдо фаолияти амалга оширил-маса, ишлаб чиқарувчи ва чакана савдо қорхоналарига тегишли тартибда жари-ма санкциялари қўлланилиши ва айбдор шахслар жавобгарликка тортилиши бел-гиланган нафақат тартиб-қоида қатъий-лигини, балки маҳсулот сифатининг ях-шиланишига ҳам ҳисса қўшади.


Бу борада Яккасарой тумани ДСИ ҳодимлари томонидан ҳам муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, туманда алкоголь маҳсулотлари билан чакана сав-до фаолиятини амалга оширувчи умумий овқатланиш қорхоналари ва савдо дўко-нари ўртасида қарорнинг мазмун-моҳия-тини тушуниришга қаратилган учрашув ва тадбирлар ўтказилмоқда. Амалга оши-рилган ишлар, қўрилган чора-тадбирлар натижасида алкоголь маҳсулотлари би-лан савдо фаолиятини амалга ошираёт-ган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг қарор талаблари асосида иш юритиши таъминланмоқда.

Ш.ШОМАХМУДОВ,
Яккасарой тумани ДСИ ҳодими.

ДУНЁ- КЎЗГЎСИ

Амазонкада ГЭС қурилади

Бразилия ҳуку-мати Амазонка ўрмонларидан оқиб ўтувчи Шингу дарёсида «Belo Monte» гидро электр станцияси қури-лишига ижозат берди.



Лойиҳага кўра, янги ГЭС ишлаб чиқариш қуввати бўйича дунёда-ги учинчи электр станцияси бўлиши кутилмоқда. У ишга тушган, 23 миллион хонадонни электр энергияси билан таъминлаш имконияти яратила-ди.

Хорижий оммавий ахборот воситаларининг ха-бар беришича, ГЭС қурилиши лойиҳасини амал-га оширишга атроф-муҳитнинг ҳимоя қилиниши шарти билан рухсат берилган. Бунинг учун сар-моядорлар 800 миллион АҚШ доллари миқдори-да маблағ ажратишлари лозим бўлади. Биноба-рин, бундан аввал электр станцияси қурилиши экологларнинг эътирози туфайли кечиктирилган эди. Экологларнинг фикрича эса, янги ГЭС қури-ладиган бўлса, 500 квадрат километр ҳудуддаги Амазонка ўрмонлари ва майдонлар сув остида қолади.

Эслатиб ўтамиз, ҳозир дунёдаги энг кучли электр станцияси Хитойдаги «Сянься» ГЭСи ҳисоблана-ди. Иккинчи ўринда Бразилия ва Парагвай чегарасидаги «Итайпу» гидро электр станцияси.

3 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИ ЭВАЗИГА

Сомалилик денгиз қароқчилари Гре-циянинг «Филица» юк ташиш кемасини озод этди, дея ха-бар беради «Associated Press» ахборот агентлиги. «Филица» бундан салкам 2 ой муқаддам қароқчи-лар томонидан қўлга олинган эди.



Маълум бўлишича, кема денгиз қароқчи-ларига маълум миқ-дордаги пул тўланган-дан сўнг озод қилинган. Бироқ, кема эгаси — «Order Shipping» компанияси раҳбарияти тўлов миқ-дорини ошқор қилиш-ни истамаяпти. Айрим ОАВларда эса «Фили-ца» учун 3 миллион АҚШ доллари тўланган-ни айтилмоқда.

Сомалилик денгиз қароқчилари «Филица» кемасини ўтган йил-нинг 11 ноябрь куни Адан кўрфазидан қўлга олишганди. Умуман олганда, кейинги пайтларда ушбу ҳу-дудда қўллаб қемалар қароқчилар ўлжасига айланапти ва бунинг учун тўловлар талаб қилинмоқда. Хусусан, жорий йил бошида Грецияга тегишли бўлган «Маран Сента-урус» танкерини қўйиб юбориш учун 7 мил-лион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ тўланган эди.

МАХСУС ОПЕРАЦИЯ

Литвада ўтка-зилган махсус операция натижа-сида катта миқ-дордаги кокаин гиёҳвандлик мод-даси қўлга туши-рилиб, йўқ қилин-ди. 500 килограмм миқдоридаги гиёҳ-вандлик моддаси музлатилган балиқ юкланган контей-нерда бўлган.



Мамлакат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакилларининг билдиришича, қўлга олинган гиёҳ-вандлик моддасининг қиймати 50-100 миллион лит (20-40 миллион доллар) деб баҳоланган. Агар гиёҳвандлик моддаси Литвадан олиб чиқиб кети-либ, бошқа хорижий мамлакатларда сотилганида наркотиқсизменлар уни бир неча баробар ортиқ нархга пуллашлари мумкин эди.

Хабар қилинишича, кокаин юкланган контей-нер Эквадордан Германия орқали Литвага етиб келган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

? ХУҚУҚИЙ МАСЛАХАТХОНА

Яқинда бир қариндошим маши-намни миниб юриши учун ишонч-нома беришим кераклигини айтиб қолди. Илтимос, ишончнома ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз?

Равно ЭРТАШЕВА
Тошкент шаҳри

Ишончнома — вакил би-лан учинчи шахс ўртасида ишонч билдирувчи номи-дан қилинадиган ҳаракат-лар натижасида муайян ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш учун зарур восита ҳисоблана-ди. Ишончнома вакилнинг ишонч билдирувчи номи-дан бошқа шахслар билан битим тузиш учун бирон-бир шартнома бўйича, ма-салан, топшириқ шартно-маси бўйича олинганда ёки хизмат (меҳнат) вази-фаларини бажариш юза-

БАРҲАЁТ МЕРОС


(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Эл қочса бировдин, эл ёмони бил они,
Аҳволда идбор нишони бил они.
Феъл ичра улус балойи жони бил они,
Олам элининг ёмон-ёмони бил они.

Мустақиллик йилларида улуг бобомиз ижодий меросига муносабат тубдан ўзгарди. Асарларидаги маънавий-маърифий қарашлар кенг тарғиб этилди, ижодий мероси бўйича улкан илмий изланишлар олиб борилди. Ул зотнинг муборак номларини абадийлаштириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, ўзлгимизни англаш, қадриятларимизни тиклаш, уларни келгуси авлодларга етказиш мақсадида азим пойтахтимизда шарқона меъморий услубда шоирга улкан ҳайкал ўрнатилиб, Миллий боғ яратилди. Бу ерда ҳар йили, энг улуг, энг азия байрамимиз — Мустақиллик куни, халқимизнинг аънавий Наврўз шодиёналари кенг нишонланади. Бунда ҳам теран рамзий маъно бор.

Бугунги биз авлод ўз мамлакати, ўз давлати, ўз она тили ва ўз қадриятига эга бўлган тенглар ичра тенг халқимиз. Бунинг учун Истиқлолнинг мунаввар нуридан баҳра олиб, шундай буюк аждодларимиз борлигидан чексиз ифтихор билан яшашга ҳақлимиз. Навоийнинг улмас мероси бизларни янги-янги чўққиларни забт этишга ундайверади.

Муродулла ҒАҒУРОВ.



БУЮК ШОИР ҲИКМАТЛАРИДАН

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи гурбак ҳавас айлама.

Эл ғуссасини сингурмагинг мақсуд эт,
Бу шева билан оқибатинг маҳмуд эт.

Нафъинг агар халққа бешак эрур,
Билки бу нафъ ўзингга кўпрак эрур.

Одами эрсанг демакки одами,
Ониким йўқ халқ ғамидан ғами.

Ҳар ғанийки, тириклигида эҳсонидан
қўнғилларни шод қилмағай,
Улғанидин сўнг ани кимса —
дуо билан ёд қилмағай.

Ҳар кимсаки айланмас ошўқмоқни ҳаё,
Яфроқни ипак қилур, чечак баргини бол.

Боқмаса деҳқон чаманин туну кун,
Наҳл тарин онгла қуруғон ўтун.

Билмаганин сўраб ўрганган — олим,
Орланиб сўрамаган ўзига золим.

Оз-оздан ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

Йигитликда йиғ илмининг маҳзани,
Қариллик чоғи харж қил ани.

БАРКАМОЛ АВЛОД — БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР

Ўзбек халқи болажон халқ. Фарзандининг бахту иқболини, эришган ютуқ, муваффақиятини кўриш ҳар бир ўзбекнинг азалий орзуси. Шунинг учун ҳам мустақиллигимизни дастлабки йиллариданоқ, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. 1996 йил — Соғлом авлод йили, 2008 йил — Ёшлар йили ва жорий 2010 йили — Баркамол авлод йили деб эълон қилинган фикримизнинг яққол далилидир.

Таълим-тарбия, маданият, маънавият соҳаларида олиб борилган кенг қамровли иш-хотлар самараси ўлароқ, бугунги ёшларни олдингилари билан ҳеч ҳам таққослаб бўлмайди. Улар тобора ривожланиб бораётган замонамизга монанд билимларни чуқур эгаллашмоқда. Хорижий тилларни мукаммал ўрганиб, жаҳон халқлари тарихи, маданияти, маънавияти билан қизиқмоқда. Ўзаро таққослаганда бизнинг кўҳна тарихимиз ҳам, аждодларимиз қолдирган бой маданий-маърифий меросимиз ҳам, танлаган тараққиёт йўлимиз ҳам бошқалардан анчайин юксак эканлигини дил-дилдан ҳис этмоқда. Қувонарлиси, ёшларимиз халқроқан олимпияда ва спорт турнирларида муваффақиятли иштирок этиб, Ватанимиз шайини муносиб ҳимоя қилмоқда. Қолаверса, спорт — дўстлик элчиси, деганларидек, чет эллик тенгдошлари орасидан дўстлар орттириб, улар билан эгаллаган билимлари бўйича ўзаро тажриба алмашишмоқда. Бир сўз билан айтганда, бугунги ёшларимиз ҳар томонлама кучли, билимли эканлиги билан қалбларимизда фахр-ифтихор туйғуларини жўшираяпти.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз: мамлакатимизда тақдир тақозоси билан ота-она тарбиясидан эрта бенаиб бўлган мурғак қалблар, етим болалар ҳам доимо давлатимиз ҳимоясида. Биз фаолият юритаётган Меҳрибонлик уйда ҳам тарбияланувчилар учун барча шарт-шароит ва қулайликлар яратилган. Ётоқхона, ошхона, спорт заллари, компьютер, махсус мослаштирилган хоналар, чўмилиш ҳавзалари

ри ва тиббий ёрдам мажмуалари уларнинг қаомлоштига хизмат қилмоқда. Албатта, меҳрибонлик уйда меҳрга, мурувватга ташна мурғак қалбларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар, тарбиячиларнинг ҳушмуомаласи уларнинг ҳаётдан ўқинмай вояга етишишга, ҳар томонлама кучли, билимли бўлиб ўсишига ҳисса қўшмоқда. Ҳомий ташкилотлар, миллатимизга хос инсонпарварлик ва болаларварлик хислатларига эга саноат қалб инсонларнинг жамоамизга яқиндан ёрдам беришга ётишган ёш қалбларнинг кўнгилни шод этмоқда. Қувонарлиси, меҳрибонлик уйда таълим-тарбия олган фарзандларимиз нуфузли олий ўқув юртиларида ўқиб, иқтисодиётнинг турли соҳаларида меҳнат қилиб, мамлакатимизнинг жадал ривожланишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Улар ўзлари тарбия топган жонажон уйларида келиб, укалари, сингилларини кўнгилни кўтармоқда, порлоқ келахатқа бўлган ишончи ва умидларини мустаҳкамламоқда.

Жорий йил муҳтарам Президентимиз томонидан "Баркамол авлод йили" деб эълон қилинганлиги ва алоҳида давлат Дастури иш-лаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилиши эса бу борада олиб борилаётган эзгу ишларга қанот бағишлайди. Дастурда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда келгусида амалга оширадиган ишларимизни белгилаб олди. Зеро, ҳар томонлама баркамол авлод — буюк ишларга қодир.

Малик РЎЗИҚУЛОВ,
Юнусобод туманидаги
21-сонли Меҳрибонлик
уйи директори.



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИ

ички ишлар идоралари ходимлари
зиммасидаги юксак вазифа

Тошкент шаҳар ИИББ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими ташаббуси билан Патрул-пост хизмати бригадаси ходимлари ўртасида яқинда ўтказилган "Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — долзарб масала" мавзусидаги семинар ҳам бунинг ёрқин далилидир. Унда қўрилган масала юзасидан фикр алмашилди. Амалга оширилган ишлар таҳлил қилинган. Келгусидаги вазифа

лар белгилаб олинди. Йилгида сўзга чиққан Тошкент шаҳар ИИББ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бўлими бошлиғи, полковник Азиз Эрназаров инсон ҳуқуқлари, эркинликларини, шайни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ички ишлар идоралари ходимлари зиммасидаги юксак масъулият эканлигини алоҳида таъкидлади.

— Фуқаролар, айниқса, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқ

ва эркинликларини таъминлашда маҳалла, мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртилари мутасаддилари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилиб, мунтазам равишда ўтказиб келинаётган учрашув ва тадбирлар қўрилганидан ҳам яхши самара бермоқда, — деди жумладан, нотиқ ўз сўзида. — Келгусида ҳам бундай тадбирларнинг янада самарадорлигини ошириш, уларда жонли мисоллар орқали қўнунчиликни тарғи-

бот-ташвиқот қилиш лозим. Бу, албатта, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олишга хизмат қилади.

Савол-жавоб, баҳс-мунозара тарзида ўтган мазкур семинарда иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Юлдуз АШИРОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ
матбуот маркази катта
инспектори,
милиция майори.

Суратда: тадбирдан
лавҳа.

Тадбир

Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ, инсон шайни, қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада қабул қилинган қонунлар, қарорлар, қўрилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг масъулияти янада ортди.

СПОРТ. SPORT

Сара полвонлар беллашуви

Халқаро майдонга чиққанига ҳали кўп вақт бўлмаган миллий спорт тури — Ўзбек кураши Олимпиада ўйинлари таркибидан жой олиш учун дадил одимламоқда. Кураш бўйича турли қитъаларда, турли мамлакатларда нуфузли халқаро турнирлар муваффақият билан ўтказилаётгани сўзимиз тасдиғидир.

Грециянинг Солоники шаҳрида ана шундай нуфузли мусобақалардан бири — VI халқаро Исмоил Каримов турнири ўтказилди. Мусобақада дунёнинг ўттиз мамлакатидан 100 нафардан ортиқ таниқли полвонлар голиблик учун гиламга чиқдилар. Полвонлар уч вазн — 73 килограмм, 90 килограмм ва мутлоқ вазн тоифаларида беллашдилар. Турнирда мураббий Олим Ҳайитов бошчилигидаги тўрт нафар полвон юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Айниқса, 90 килограмм вазн тоифасида мусобақада қатнашган ҳамюртимиз Шароф Холмаматовга тенг келадиган рақиб топилмади. Ёпиқ иншоотлардаги Осиё ўйинлари голиби бўлган полвонимиз финал беллашувида грециялик Моисей Илиадисни доғда қолдириб, мусобақа шохсупасига кўтарилди. Шунингдек, ушбу вазн тоифасида яна бир полвонимиз Азиз Темиров ҳам совриндорлар сафидан жой олди. У туркиялик Шахин Турсак билан бирга бронза медали соҳибига айланди. Мутлоқ вазн тоифасида гиламга чиққан полвонимиз Ойбек Жуманазаров рақибларига имкониятни бой берди. Бу вазн тоифаси бўйича ўтказилган беллашуларда Василиос Илиадис (Греция) зафар қучди. Меъдонларнинг яна бир вакили Алексей Танасидисга ҳам омад қулиб қолди. Грециялик полвон 73 килограмм вазнда голибликни қўлга киритди.



Ҳамюртимиз яна голиб

Ўнлаб моҳаратли «чарм қўлқоп» усталарини тарбиялаган юртимиз бокс мактаби тарбияланувчилари ҳам ҳаваскорлар, ҳам профессионал боксда ўзларининг муваффақиятли иштирокларини давом эттиришмоқда.

Профессионал бокс оламидаги таниқли боксчимиз Ғайрат Аҳмедов яқинда Америка Қўшма Штатларининг Лас-Вегас шаҳрида ўзининг PABA и WBC Asian Boxing Council йўналиши бўйича чемпионлик унвонини муносиб ҳимоя қилди. Ғайрат Аҳмедов профессионал боксдаги фаолияти давомида ўн тўртта жанг олиб борган. Уларнинг ўн учтасида ғалаба қозонган, бир учрашув эса дуранг натижа билан аяқланган.



Янги бош мураббий тайинланди

Украина миллий терма жамоасига янги бош мураббий тайинланди.

Мамлакат Футбол федерацияси Ижроия қўмитаси қарорига кўра, Харьковнинг «Металлист» клуби бош мураббийи Мирон Маркевич бундан буён ана шу лавозимда фаолият юритади.

Ҳабарларга кўра, Мирон Маркевич маълум муддат клуб ва терма жамоадаги ишини биргаликда олиб боради. Унга мазкурнинг таниқли футболчиси Юрий Калитвинцев ёрдами мураббий сифатида яқиндан кўмак беради.



Мухлислар учун зирхли камзул

Англиянинг «Protektorvest LimHed» компанияси мухлисларга махсус зирхли камзул тақдир қилди.

Унинг нархи 69,95 доллар. Мижозлар қўшимча 2 доллар тўлаб, унга ўзлари хоҳлаган давлат байроғи ва герби расмини туширишлари мумкин.

Ушбу зирхли камзулни футбол бўйича Жанубий Африка Республикасида ўтадиган жаҳон чемпионати вақтида Йоханнесбург ва Претория шаҳарларидаги меҳмонхоналарга етказиб бериш белули. Ушбу Йоханнесбургдаги бор халқаро аэропортда ҳам сотиб олиш имконияти бор. Айни чоғда халқаро оммавий ахборот воситаларида ЖАРда жиноятчилик даражаси юқори эканлиги ҳисобга олинган ҳолда, ушбу махсуслотта талаб катта бўлиши айтилмоқда.

О.АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.



Ўқинг, бу қизиқ!

Ҳақиқий шоу

Самиу оролидаги ҳайвонот боғларидан бирининг ходимлари сайёҳларни ва томошабинларни янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида ажаб-товур машғулотлар намойишини йўлга қўйди. Бу ерда Мали ва Токтак лақабли ёш филларни баскетбол ўйнашга ўргатишмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, олти ёшли Мали ва тўққиз ёшли Токтак баскетбол ўйинини ўрганиш учун аниқ куч-қувватга тўлган давр. Бир неча ой мобайнида филларга баскетболдаги асосий ҳаракатлар ўргатилди. Кейинги машқларни ўзлаштириш осон кечаётгани йўқ, албатта.



Хозирда Мали ва Токтак хартуми билан коптукни ийиб олиб, ёрга уриш, маълум масофага етказиб, орқа оёқларида турган ҳолда тўрга иргитишни бемалол урдалашаяпти. Улар кўрсатаётган томошани кўрганлар: "Бу оддий томоша эмас, ҳақиқий шоу", дея ҳайратланишмоқда.

Қисқичбақасимонлар яна биттага кўпайди

Тайваннинг Океанология миллий университети профессорлари Хо Пинг-хо шу пайтгача фанга номмаълум бўлган янги турдаги денгиз қисқичбақасини кашф қилди. Янги топилган жониворга шартли равишда "қулпундай тусли қисқичбақа" номи берилди. Бунга сабаб, қизил-қизил рангданги қисқичбақанинг гарқ пишган қулпундайга жуда ўхшашидир. Соҳа мутахассислари бу турдаги қисқичбақа ҳозиргача ҳеч қаерда учрамаганини расман эътироф этишди.

Профессор Хо Пинг-хо Қулпундай тусли қисқичбақага илк бор Кэньдин дарёси соҳилида, "Нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати чиқиндиларининг сув ҳавзаларига салбий таъсири" оқибатларини ўрганиш чоғида дуч келган экан. Айни кунда узунлиги бор-йўғи 2,5 сантиметр келадиган бу ўзига хос жониворнинг иккита ургочиси олимплар томонидан ўрғанилмоқда.

Дунёда қисқичбақасимонларнинг 50 мингдан ортиқ тури мавжуд. Эндиликда бу рақам яна биттага кўпайди.



АДОЛАТ

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН
«АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

adolat_sdp@doda.uz

Бош муҳаррир
Худойёр МАМАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс);
котибият — 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-57-14
ISSN 2091-5217

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир ҳайъати

Дилором
ТОШМУҲАМЕДОВА,
Исмоил САЙФНАЗАРОВ,
Алишер МЎМИНОВ,
Жовдатхон ИНОҒОМОВ,
Зухра БОТИРОВА,
Икбол МИРЗО,
Муҳаммад АЛИ,
Мамазоир
ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Равшан ҲАЙДАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Талъат МУРОДОВ,
Қодир ЖЎРАЕВ

Нашр учун масъул
Рустам АҲМАДАЛИЕВ
(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)

«Адолат»дан қўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақолалари белгиси.

Нашр индекси 100

Навбатчи муҳаррир — Номоз САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи — Эминжон ЮЛДОШЕВ